

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ДЖАМБИЛОВ БЕКЗОД ХАМИТОВИЧ

**ОЛМОС РАНГБАРАНГЛИКДАГИ ҚОРАҚЎЛ ҚЎЧҚОРЛАРИНИНГ
НАСЛ ВА МАҲСУЛДОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.02.01- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Джамбиллов Бекзод Хамитович

Олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг насл ва маҳсулдорлик
салоҳиятини такомиллаштириш усуллари 3

Джамбиллов Бекзод Хамитович

Методы совершенствование племенного и продуктивного потенциала
каракульских баранов сур алмазной расцветки 19

Djambilov Bekzod Xamitovich

Methods to improve the breeding and productive potential of the Karakul
sheep of diamond bloom suras 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 38

**ҚОРАҚҰЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИLMИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ДЖАМБИЛОВ БЕКЗОД ХАМИТОВИЧ

**ОЛМОС РАНГБРАНГЛИКДАГИ ҚОРАҚҰЛ ҚҰЧҚОРЛАРИНИНГ
НАСЛ ВА МАҲСУЛДОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**06.02.01- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Qx 431 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси www.uzkarakul.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Мирзакул Шеркулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Умаров Шавкат Рамазанович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Газиев Адхам
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «11» 06 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, М.Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, мажлислар зали 2-қават, тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (168-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй, институт маъмурий биноси, 1-қават Тел.: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2020 йил «5» 06 куни тарқатилди.
(2020 йил «5» 06 даги 2 рақамли реестр баённомаси)


Н.А.Бобоқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к-х.ф.д., профессор


А.Х.Хатамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, к-х.фанлари бўйича фалсафа доктори


С.Ю.Юсупов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к-х.ф.д.,
профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнинг 50 дан зиёдроқ мамлакатларида қоракўл қўйлар урчитилиб, уларнинг бош сони 30 млн.дан кўпроқни ташкил этади¹. Қоракўл қўй зотининг жуда юқори яшовчанлик ва мослашувчанлик хусусияти сабабли, улар урчитилаётган мамлакатларнинг экстремал яйлов шароитидан рационал фойдаланиш ва бу ҳудудларда яшаётган аҳолининг ижтимоий ва моддий аҳволини яхшилаш имкониятини беради.

Дунё миқёсида қоракўлчилик соҳасида оригинал рангли териларга, бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли қоракўл қўйлари урчитиладиган хорижий мамлакатларда аҳолининг қоракўл териларига ва қоракўлчилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қоракўл қўйларидан олинадиган оригинал рангбарангликдаги қўзилар салмоғини максимал даражада ошириш ҳамда қўчқорларнинг наслдорлик хусусиятларидан рационал фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тармоқда бу йўналиш бўйича ривожланиш сур рангли қўйларнинг биологик имкониятларидан тўлиқ ва ҳар тарафлама фойдаланиш асосида урчитишнинг илғор усул ва услубларини қўллаш билан ўзаро боғлиқ.

Республикамизда ҳозирги кунда қоракўл қўйларини урчитиш ҳамда қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада сур рангли қоракўл қўйларининг ирсий хусусиятларидан фойдаланиб қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш пировардида тармоқда рентабелликка эришилмоқда. Шу давргача қоракўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этмаслик, қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини оширишда уларнинг биологик салоҳиятидан мажмуавий фойдаланишга етарлича эътибор қаратмаслик ва қўйларни сақлашга шароит яратилмаслиги оқибатида қоракўлчилик хўжаликларида қоракўлчилик маҳсулотлари миқдори ва сифатининг камайишига ва қўйлар умумий бош сонининг камайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг **қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишланган 3.3. бандида** «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, юқори маҳсулдорликка эга ҳайвон зотларини яратиш»,² масалаларига алоҳида эътибор берилган ва ишлаб чиқаришга интенсив методларни жорий қилиш вазибалари белгилаб берилган. Тармоқни ривожлантиришда хусусан оригинал рангбарангликдаги қоракўл терилар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда қоракўл қўчқорларининг ирсий ва маҳсулдорлик салоҳиятини

¹ АГРОХХИ <http://www.agroxxi.ru>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

такомиллаштириш ҳамда қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ресурстежамкор селекцион усуллардан фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жуда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2841-сонли, 2018 йил 14 мартдаги «Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3603 сонли қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сур рангли қорақўл қўйлари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулот сифатини оширишнинг селекцион жиҳатлари Ўзбекистонда П.В. Арапов, В.А.Петров, Б.Н.Васин, В.М.Юдин, М.Д.Закиров, В.И.Стояновская, В.С.Жилякова, Н.С.Гигинейшвили, Р.Г.Валиев, С.Ю.Юсупов, А.И.Ибрагимов, М.М.Мингбаев, М.Ш.Исмаилов, Қозоғистонда Х.Укбаев, А.Омбаев, Т.Умурзаков, Ж.Паржанов, М.Туекбасов, Тожикистонда К.Ахмедов, Х. Джалолов, Туркменистонда М.А.Виноградова ва хорижлик олимлар L.Adametz, Д. Нел, П.Феддерзен, Х.Шеффер ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Улар қорақўл қўйлари гул шакли ва типи, рангбарангликнинг ифодаланиши, рангнинг тери сатҳи бўйича текислиги, жун толаси қопламининг сифати ва конституционал мустаҳкамлиги бўйича селекциялаш, белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик хусусиятлари, наслчилик ишини ташкиллаштириш, сурувни кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Рангдор қорақўл қўйлари ирсий салоҳиятидан фойдаланиб оригинал рангбарангликдаги қорақўл териларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бозор иқтисодиёти шароитида тармоқнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Республикамизда сур рангли қорақўл қўйлар бош сонини кўпайтириш, насли кўчқорларнинг ирсий салоҳиятидан фойдаланиб, оригинал рангбарангликдаги қорақўл терилари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг селекцион-технологик усулларидан фойдаланишнинг

илмий-амалий асосларини ўрганиш ва жорий қилиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 0194513 рақами билан рўйхатга олинган «Қорақўл қўйларининг ирсий салоҳиятидан фойдаланиб маҳсулдорлигини оширишнинг селекцион-технологик усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий тадқиқотлар режаси (2013-2019 йй.); ҚХА-8-014-2015 «Табиий серпушт қорақўл қўйлар генофондини сақлаш ва урчитишнинг селекцион-технологик тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.); ҚХ-И-ҚХ-2018-8 «Табиий серпушт қорақўл қўйлар генофондини сақлаш ва урчитишнинг селекцион-технологик тизимини жорий қилиш» (2018-19йй) амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг насл ва маҳсулдорлик салоҳиятидан фойдаланиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олмос рангбарангликдаги сур қорақўл қўчқорларининг ирсий хусусиятларини аниқлаш;

насли қўчқорларнинг қорақўл тери сифатларини авлодларига ўтказиб бериш хусусиятларини аниқлаш;

белгиларнинг рангбарангликнинг фойдаланиши билан боғлиқлигини аниқлаш;

олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг наслдорлик хусусиятидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бухоро сури зот типидagi олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорлар, кумуш, тилла ва олмос рангбарангликдаги совлиқлар, қўзилар, қорақўл терилари, қўй жуни ва сутидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб бухоро зот типидagi олмос рангбарангликдаги қўчқорлар ирсий хусусиятларнинг авлодаларида намоён бўлиши, қўзиларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва бухоро сур қўйлар қорақўл сифатини оширишда олмос рангбарангликдаги қўчқорларнинг ирсий салоҳиятидан фойдаланишнинг самарали инновацион усулларини аниқлаш орқали олмос рангбарангликдаги қорақўл терилар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган зоотехник, селекцион, биометрик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги spss (Statistical Package for Social Science) компьютер дастури асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

биринчи марта олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг авлодларида сурликнинг ифодаланиш хусусиятлари ва унинг қорақўл белгилари билан мажмуавий боғлиқлиги аниқланган;

олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг ирсий салоҳиятини такомиллаштириш усуллари аниқланган;

ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги қорақўл қўзиларининг ҳаётчанлиги, маҳсулдорлиги, ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

олмос рангбарангликдаги қорақўл қўйлари ареалини кенгайтиришда насли қўчқорлар ирсий салоҳиятидан фойдаланишнинг рационал усули ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Олмос рангбарангликдаги бухоро сур қорақўл қўчқорларининг насл ва маҳсулдорлик хусусиятларини мажмуавий тадқиқ қилиш асосида олмос рангбарангликдаги қўчқорларнинг ирсий салоҳиятидан рационал фойдаланиш ҳамда оригинал рангбарангликдаги қорақўл қўйлар бош сонини кўпайтириш тамойиллари аниқланган.

«Нурота қорақўл наслчилилик» «Қарнабота қорақўл наслчилилик» маъсулияти чекланган жамиятлари ва «Санабобо қорақўл чорваси» қорақўлчилилик фермер хўжаликларида олмос рангбарангликдаги қорақўл қўйлари бош сонини кўпайтирилди ва уларни урчитиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларини кумуш, тилла ва олмос рангбарангликдаги совлиқлар билан урчитилиб олмос рангбарангликдаги қўйлар бош сонини кўпайтириш, олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларини танлаш ва оригинал рангбарангликдаги қорақўл қўзилар етиштиришни кўпайтириш усули ишлаб чиқилган.

Олинган маълумотлар бухоро сур қорақўл қўйлар селекциясининг илмий асосларини бойитиш, ишлаб чиқилган селекцион-технологик усуллар эса олмос рангбарангликдаги қорақўл қўйлар бош сонини кўпайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот натижаларида олмос рангбарангликдаги қўчқорларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичлар бўйича ишончли маълумотлар олинган, улар амалий ишланмаларида ўз аксини топган ва назарий жиҳатдан асосланган. Тадқиқот ишининг бирламчи ҳужжатлари Самарқанд ветеринария медицинаси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилганлиги; барча экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги; олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларининг республикамиз ва чет элларда ўтказилган халқаро илмий-

амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги ва маъқулланганлиги олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган илмий-тадқиқот натижалари оригинал рангбарангликдаги қўйлар бош сонини кўпайтиришнинг селекцион усулларини сезиларли даражада бойитади. Олинган натижалар олмос рангбарангликдаги қорақўл қўйлар ареалини жадал кенгайтириш имконини беради, қўчқорларининг ирсий салоҳиятидан рационал фойдаланиш, оригинал рангбарангликдаги қорақўл қўзилар етиштириш салмоғини оширади, ёш қўзиларнинг ўсиш тезлиги салоҳиятидан фойдаланиш пировардида насли қўчқорларни етиштириш тезлаштиради бу эса рангдор қорақўлчиликда селекция ишларини жадаллаштиради.

Олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг ирсий салоҳиятидан фойдаланиш оригинал рангбарангликдаги қўйлар бош сонини кўпайтириб уларни урчитиш ареалини кенгайтиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у оригинал рангбарангликдаги қорақўл етиштиришни кўпайтиришнинг селекцион усулларини такомиллаштиради, қорақўл терилар сифатини яхшилайтиди, селекция наслчилиги ишларини жадаллаштириш имкониятини яратади. Насли қўчқорлар ирсий салоҳиятининг ошишини таъминлайди.

Олинган маълумотлар рангдор қорақўлчиликда қўлланилаётган селекция-наслчилик ишлари усулларини сезиларли даражада тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олмос рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларининг насл ва маҳсулдорлик салоҳиятини такомиллаштириш усуллари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Олмос рангбарангликдаги насли қўчқорларининг ирсий салоҳиятини такомиллаштириш усуллари Навоий вилояти Нурота туманидаги «Нурота қорақўл наслчилиги» маъсулияти чекланган жамиятида фойдаланилган. («Нурота қорақўл наслчилиги» МЧЖнинг 2020 йил 9 январдаги №1 рақамли далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўситасининг 2020 йил 15 январдаги 02/23-16 - сон маълумотномаси). Натижада оригинал рангбарангликдаги бир бош қўчқорнинг 50,0 минг сўмга юқори нархда сотилган, рентабеллик даражаси 36 фоизга ошган.

Оригинал рангбарангликдаги қорақўл қўчқорларидан Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Қарнабота қорақўл наслчилиги» маъсулияти чекланган жамияти сурувларида фойдаланилган. («Қарнабота қорақўл наслчилиги» МЧЖнинг 2020 йил 11 январдаги №2 сонли далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси ветеринари ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси 2020 йил 15 январдаги 02/23-16 сон маълумотномаси). Натижада олинган кумуш ва олмос рангбарангликдаги қорақўл терилари маъсулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқилган териларга нисбатан мос равишда 15 ва 25 минг сўм, насли қўчқорлар 50,0 минг сўм қиммат

сотилган. Шунингдек оригинал рангбарангликдаги қўйлар салмоғи кўпайган ва ҳар бир теридан олинадиган соф фойда 20-25 фоизга ошган;

Оригинал рангбарангликдаги қоракўл қўйлар бош сонини кўпайтириш усуллариининг Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги «Санабобо қоракўл чорваси» қоракўлчилик фермер хўжалигида жорий этилган («Санабобо қоракўл чорваси» фермер хўжалигининг 2020 йил 13 январдаги №2 далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси ветеринари ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси 2020 йил 02/23-16 сон сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжалиги сурувининг ирсий сифати яхшиланган, элита ва I- синфли қўзилар салмоғи 8-10 фоиз, рангбаранги аъло ифодаланган қўзилар салмоғи 10 фоизга ошган. Олмос рангбарангликдаги қўчқорлардан олинган қоракўл терилари, хўжаликда олинган қоракўл териларига нисбатан 30,0 минг сўм юқори нархларда сотилиши натижасида фермер хўжалигининг рентабеллиги 30 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Нурота туманидаги «Нурота қоракўл наслчилиги», «Қарнабота қоракўл наслчилиги» маъсулияти чекланган жамиятлари ва «Санабобо қоракўл чорваси» фермер хўжаликлариининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2014-2019 йй), Самарқанд ветеринария медицинаси институти Зооинженерия факультети илмий-ҳисобот конференцияларида (2014-2019йй), 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та уларнинг 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, халқаро 5 та, республика илмий – амалий конференцияларида 2 та ва 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалиёт натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бухоро зот типидagi сур қоракўл қўйлари насл ва маҳсулдорлик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишларининг натижалари ўрганилиб,

бухоро зот типдаги қорақўл қўйларининг рангбаранглиги, уларнинг ирсийланиш хусусиятларининг ўрганилганлик даражаси, маҳсулдорлиги, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, сур рангли қорақўл қўйлар бош сонини кўпайтириш ҳамда уларни урчитишнинг селекцион-технологик усуллари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материал ва методлари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган Навоий вилояти Нурота туманидаги «Нурота қорақўл наслчилиги» маъсулияти чекланган жамиятининг табиий-иқлим шароити тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида танланган олмос рангбарангликдаги қўчқорларнинг насл ва маҳсулдорлик салоҳиятини такомиллаштириш усуллари ўрганилган ва маълумотларнинг статистик таҳлили М.Ш.Исмаилов, А.Газиёв, А.М.Шеркулов (2016) кўрсатган усулда аниқланган.

Диссертациянинг «Олмос рангбарангликдаги қўйлар бош сонини кўпайтириш тажрибалари» деб номланган учинчи бобида оригинал рангбарангликдаги қорақўл қўйлар бош сонини кўпайтириш, уларнинг ареалини кенгайтириш ва олмос рангбарангликдаги терилар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш мақсадида кумуш, тилла ва олмос рангбарангликдаги совлиқлар олмос рангбарангликдаги қўчқорлар билан рангбаранглиги бўйича гомоген ва гетероген жуфтланган. Олинган авлодларининг сифати бўйича олмос рангбарангликдаги қўчқорларнинг наслдорлик хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотлар натижасида олмос рангбарангликдаги қўчқорлардан олинган қўзиларнинг рангбаранглик бўйича тақсимланиши, рангбаранглигининг ифодаланиши, гул типи, жун толасининг оқиш учга ўтиш контрастлиги, рангбаранглигининг текислиги, жун толаси қопламанинг ипаксимонлиги, ялтироқлиги ва олинган қўзиларнинг синфи аниқланган. Боб бўйича хулосалар қилинган.

Кумуш, тилла ва олмос рангбарангликдаги совлиқларни олмос рангбарангликдаги қўчқорлар билан жуфтлашдан олинган қўзиларнинг рангбаранглик бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Олмос рангбарангликдаги қўчқорлар билан кумуш, тилла ва олмос рангбарангликдаги совлиқларни жуфтлаш натижасида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, олмос рангбарангликдаги қўзилар салмоғи энг кўп “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган қўзиларда 40,4 фоизни ташкил этиб, “кумуш х олмос” ва “тилла х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,3 ва 6,5 фоиз кўп олмос рангбарангликдаги қўзилар олинган ($P < 0,001$). Рангли қўзилар салмоғи “тилла х олмос” типда жуфтлашдан олинган қўзиларда 7,1 фоизни ташкил этиб, улар “кумуш х олмос” ва “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан 0,3 ва 2,0 фоиз кўп учраши аниқланган.

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан турли рангбарангликдаги совлиқларни жуфтлашдан олинган кўзиларнинг рангбаранглик бўйича тақсимланиши, %

Жуфтлаш типи ♀ x ♂	n	Рангбаранглик, M±m			
		Кумуш	Тилла	Олмос	Рангли
Кумуш x Олмос	161	32,9±3,63	24,2±3,37	36,1±3,78	6,8±1,98
Тилла x Олмос	112	27,7±4,22	31,2±4,37	33,9±4,47	7,1±2,31
Олмос x Олмос	198	31,3±3,29	23,2±2,29	40,4±3,48	5,1±1,56

Мақсадга мувофиқ рангбарангликдаги кўйлар салмоғини кўпайтириш мақсадида, олмос рангбарангликнинг ифодаланиши бўйича тақсимланиши ўрганилган.

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан турли рангбарангликдаги совлиқларни жуфтлашдан олинган кўзиларда рангбаранглик ифодаланишининг ирсийланиши тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда қайд этилган.

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан турли рангбарангликдаги совлиқларни жуфтлашдан олинган кўзилар рангбаранглигининг ифодаланиши

Жуфтлаш типи ♀ x ♂	n	Рангбарангликнинг ифодаланиши, M±m		
		Аъло	Яхши	Етарли эмас
Кумуш x олмос	161	22,9±3,31	57,1±3,92	19,8±3,14
Тилла x олмос	112	20,5±3,81	57,1±4,67	22,3*±3,93
Олмос x олмос	198	27,7*±3,17	63,6±3,41	8,6±1,98

Изоҳ:* - P<0,001.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзилар салмоғи “олмос x олмос” типда жуфтланган совлиқлардан олинган кўзиларда 27,7 фоизни ташкил этиб, улар “кумуш x олмос” ва “тилла x олмос” типда жуфтланган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,8 ва 7,2 фоизга устунлик қилган (P<0,001).

Рангбаранглигининг ифодаланиши етарли бўлмаган кўзилар салмоғи “тилла x олмос” типда жуфтланган кўзиларда 22,3 фоизни ташкил қилиб, улар “кумуш x олмос” ва “олмос x олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мутаносиб равишда 1,8 ва 13,7 фоиз кўпроқ учраши аниқланган.

Гул типи қоракўл кўйларининг асосий зот белгиларидан бири ҳисобланиб, у қоракўл кўйларининг нафақат маҳсулдорлиги, балки конституционал мустақамлиги билан ҳам боғлиқ кўрсаткич ҳисобланади .

Олмос рангбарангликдаги кўчқорларни рангбаранглиги бўйича гомоген ва гетероген жуфтлашдан олинган кўзиларнинг гул типлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда мужассамлаштирилган.

Олинган маълумотлар, ярим доира қалами гул типи “тилла x олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 37,5 фоизни ташкил этиб, улар бу

кўрсаткич бўйича “кумуш х олмос” ва “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 2,7 ва 3,7 фоиз устунлик қилишган. Қовурғасимон қалами гулли кўзилар салмоғи “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 30,3 фоизни ташкил этиб, “кумуш х олмос” ва “тилла х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,2 ва 5,2 % юқори бўлган.

3-жадвал

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан турли рангбарангликдаги совлиқларни жуфтлашдан олинган кўзиларнинг гул типлари, %

Жуфтлаш тип ♀ х ♂	n	Гул типлари, M±m			
		Ярим доира	Қовурғасимон	Ясси	Ўсик гул
Кумуш х олмос	161	34,8±3,75	26,1±3,46	23,6±3,64	15,5±2,85
Тилла х олмос	112	37,5±4,57	25,1±4,09	22,3±3,93	15,1±3,38
Олмос х олмос	198	33,8±3,36	30,3*±3,28	21,7±2,32	14,1±2,47

Изоҳ:* - P<0,001.

Ясси қалами гулли кўзилар салмоғи “кумуш х олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 23,6 фоизни ташкил этиб, улар “тилла х олмос” ва “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 1,3 ва 1,9 фоиз устунлик қилиши кузатилган.

Ўсик гул типдаги кўзилар салмоғи “кумуш х олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 15,5 фоизни ташкил этиб, улар “тилла х олмос” ва “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 0,4 ва 1,4 фоиз устунлик қилиши аниқланган.

Олмос рангбарангликдаги кўчқорларни турли рангбарангликдаги совлиқлар билан жуфтлашдан олинган кўзилар жун толасининг оқиш учга ўтиш кескинлигини ўрганиш бўйича олинган натижалар 4-жадвалда мужассамлаштирилган.

4-жадвал

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан турли рангбарангликдаги совлиқларни жуфтлашдан олинган кўзилар жун толаси рангининг контрастлиги, %

Жуфтлаш тип ♀ х ♂	n	Жун толасининг оқиш учга ўтиш кескинлиги, M±m		
		Кучли	Ўрта	Кучсиз
Кумуш х олмос	161	37,2±3,80	53,4±3,93	9,3±2,28
Тилла х олмос	112	33,9±4,47	52,6±4,71	13,4±3,21
Олмос х олмос	198	39,8*±3,46	54,1±3,54	6,1±1,71

Изоҳ:* - P<0,001.

Олинган маълумотлардан, кучли контрастлик “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 39,8 фоизни ташкил этиб, “кумуш х олмос” ва “тилла х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан 2,6 ва 5,9 фоиз юқори бўлиши кузатилди. Мақсадга мувофиқ бўлмаган кучсиз контрастликдаги кўзилар “тилла х олмос” типда жуфтланган кўзиларда 13,4 фоизни ташкил этиб, “кумуш х олмос” ва “олмос х олмос” типда

жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,1 ва 7,3 фоиз кўп учраши кузатилган.

Диссертациянинг «Олмос рангбарангликдаги кўзиларнинг фойдали хўжалик белгилари ва уларнинг фенотипик ўзгарувчанлиги» деб номланган тўртинчи бобида рангбаранглигининг ифодаланиши турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзиларнинг қоракўл сифатини белгиловчи белгиларни хусусиятлари ўрганилган.

Рангбаранглиги бўйича турли типда жуфтлашдан олинган кўзиларнинг рангбаранглигининг ифодаланиши бўйича тақсимланиши 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Турли рангбарангликдаги кўйлари жуфтлашдан олинган олмос рангбарангликдаги кўзилар рангбаранглигининг ифодаланиши

Жуфтлаш тип ♀ x ♂	n	Рангбарангликнинг ифодаланиши, M±m		
		Аъло	Яхши	Етарли эмас
Кумуш x олмос	58	25,8±5,74	67,2±6,16	6,9±3,32
Тилла x олмос	38	23,7±6,89	65,8±7,69	10,5±4,97
Олмос x олмос	80	30,1*±5,12	67,4±5,24	2,5±1,74

Изоҳ:* - P<0,001.

Тажрибада “олмос x олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларнинг рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзилар салмоғи 30,1 фоизни ташкил этиб, улар “кумуш x олмос” ва “тилла x олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,3 ва 6,4 фоизга юқори бўлган. Рангбаранглиги етарли ифодаланмаган кўзилар салмоғи “тилла x олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда кузатилиб, улар “кумуш x олмос” ва “олмос x олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 3,6 ва 8,0 % кўп учраган.

6-жадвал

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзилар жун толаси асосининг пигментацияси,%

Рангбаранглигининг ифодаланиши	n	Жун толаси асоси пигментацияси, M±m		
		Интенсив қора	Қора	Кучсиз қора
Аъло	48	81,2±5,63*	18,7±5,62	-
Яхши	111	44,1±4,71	55,8±4,71	-
Етарли эмас	17	-	29,4±11,0	70,6±11,0

Изоҳ:* - P<0,001.

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзилар жун толаси асосининг пигментацияланиш даражаси (6-жадвалда) рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларнинг 81,2 фоизида жун толаси қопламанинг асоси интенсив қора, 18,7 фоизи қора пигментацияланишга эга бўлиб, жун толаси қопламанинг асоси кучсиз пигментацияланган кўзилар учрамаган. Худди шундай ҳолат рангбаранглиги яхши ифодаланган кўзилар гуруҳида ҳам кузатилган.

Рангбаранглиги етарли ифодаланмаган кўзиларда жун толаси қопламининг асоси интенсив қора пигментацияланган кўзилар учрамади, ўртача қора пигментацияланган кўзилар салмоғи 29,4 фоиз, кучсиз пигментацияланган кўзилар 70,6 фоизни ташкил этган.

Рангбарангликнинг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзиларнинг гул ўлчамлари таҳлил қилинганда (7-жадвал) катта гулли кўзилар рангбаранглиги етарли даражада ифодаланмаган кўзиларда 17,5 фоизни ташкил этиб, улар мос равишда рангбаранглиги аъло ва яхши ифодаланган тенгқурларига нисбатан мос равишда 3,0 ва 1,4 фоиз кўп учраши кузатилган. Ўрта гулли кўзилар салмоғи рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда 66,6 фоизни ташкил этиб, назоратдаги тенгқурларига нисбатан мос равишда 2,7 ва 7.8 фоиз, гули майда ўлчамли кўзилар салмоғи рангбаранглиги етарли ифодаланмаган кўзиларда 23.5 фоизни ташкил этиб, рангбаранглиги аъло ва яхши ифодаланмаган тенгқурларига нисбатан мутаносиб равишда 4,8 ва 3,7 фоиз кўп учраши аниқланган.

7-жадвал

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзиларнинг гул ўлчами, %

Рангбарангликнинг ифодаланиши	n	Гул ўлчами, M±m		
		Катта (11 мм ва катта)	Ўрта (8-10 мм)	Майда (7 мм гача)
Аъло	48	14,6±5,09	66,6±6,80*	18,7±5,62
Яхши	111	16,2±3,49	63,9±4,55	19,8±3,78
Етарли эмас	17	17,6±9,23	58,8±11,9	23,5±10,2

Изоҳ:* - P<0,001.

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзилар терисида гул нақшининг жойлашиши тўғрисидаги маълумотлар (8-жадвал) таҳлили шуни кўрсатадики, гуллари параллел концентрик жойлашган кўзилар салмоғи рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда 29,2 фоизни ташкил этиб, рангбаранглиги яхши ифодаланган кўзиларга нисбатан 0,4 фоиз устунлик қилиши аниқланган. Рангбаранглиги етарли даражада ифодаланмаган кўзиларда гуллари параллел концентрик жойлашган кўзилар учрамаган.

8-жадвал

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзилар гул нақшининг жойлашиши, %

Рангбарангликнинг ифодаланиши	n	Гул нақшининг жойлашиши, M±m			
		Параллел концентрик	Параллел тўғри	Аралаш	Ноаниқ
Аъло	48	29,2±6,56	56,2±7,16*	14,6±5,09	-
Яхши	111	28,8±4,29	48,6±4,74	16,2±3,49	6,3±2,30
Етарли эмас	17	-	23,5±10,2	41,2±11,9	35,2±11,5

Изоҳ:* - P<0,001.

Гуллари параллел тўғри жойлашган кўзилар, рангбаранглигининг ифодаланиши аъло ифодаланган кўзиларда 56,2 фоизни ташкил этиб, рангбаранглиги яхши ва етарли ифодаланмаган тенгқурларига нисбатан мутаносиб равишда 7,6 ва 32,7 % кўп бўлиши, гуллари аралаш типда жойлашган кўзилар салмоғи рангбаранглиги етарли даражада ифодаланмаган кўзиларда 41,2 фоизни ташкил қилиб, рангбаранглиги аъло ва яхши ифодаланган тенгқурларига нисбатан мос равишда 26,6 ва 25,0 % кўп учраши аниқланган. Гулининг ноаниқ жойлашиши рангбаранглиги етарли даражада ифодаланмаган кўзиларда кўп учраб, рангбаранглиги яхши ифодаланган кўзиларга нисбатан 28,9 % кўп учраши, гуллари ноаниқ жойлашган кўзилар рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда учрамаслиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Рангбаранглиги турлича ифодаланган кўзиларнинг конституцияси, ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида рангбаранглигининг ифодаланиши турлича бўлган кўзиларнинг конституция типи, тирик вазни, тана ўлчамлари, тана тузилиш индекслари ўрганилган.

Тажрибадаги кўйлар конституциясининг рангбаранглигининг ифодаланишига боғлиқлиги 9–жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўзиларнинг конституцияси, %

Рангбарангликнинг ифодаланиши	n	Конституцияси, M±m		
		Мустаҳкам	Дағал	Нозик
Аъло	48	91,7±3,98*	6,2±3,48	2,1±2,06
Яхши	111	89,1±2,95	7,2±2,45	3,6±1,76
Етарли эмас	17	82,3±9,25	11,7±7,79	5,9±5,71

Мустаҳкам конституцияли кўзилар салмоғи рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда 91,7 фоизни ташкил қилиб, рангбаранглиги яхши ва етарли даражада ифодаланмаган тенгқурларига нисбатан мутаносиб равишда 2,6 ва 9,4 фоиз кўп учраши аниқланган. Дағал конституцияли кўзилар эса рангбаранглиги етарли даражада ифодаланмаган кўзиларда 11,7 фоизни ташкил этиб, рангбаранглиги аъло ва яхши ифодаланган тенгқурларига нисбатан мос равишда 5,5 ва 7,5 фоиз кўп учраши, нозик конституцияли кўзилар ҳам рангбаранглиги етарли ифодаланмаган кўзиларда кўп учраши аниқланган.

Диссертациянинг «**Олмос рангбарангликдаги кўчқорларнинг насл хусусиятлари**» деб номланган олтинчи бобида рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорларнинг ирсий салоҳиятини намоён қилиш хусусиятлари ўрганилган.

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар рангбаранглигининг авлодларида ифодаланишининг ирсийланиши 10-жадвалда келтирилган.

Рангбаранглиги аъло ифодаланган кўйлар ўзаро жуфтланганда, 52,1 фоиз рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзилар олиниб, “яхши х аъло” ва “етарли эмас х аъло” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан

мутаносиб равишда 8,9 ва 22,7 фоиз кўп аъло рангбарангликдаги кўзилар олинган.

10-жадвал

Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорлардан олинган кўзилар рангбаранглигининг ифодаланиши, %

Жуфтлаш типи ♀ x ♂	n	Рангбарангликнинг ифодаланиши, M±m		
		Аъло	Яхши	Етарли эмас
Аъло x Аъло	48	52,1±7,21*	47,9±7,21	-
Яхши x Аъло	111	43,2±4,70	54,1±4,72	2,7±1,53
Етарли эмас x Аъло	17	29,4±11,0	58,8±11,9	11,8±7,82

Изоҳ P<0,001

Сур рангли қорақўл кўйлари, айниқса олмос рангбарангликдаги қорақўл кўйлари селекциясида рангнинг текислиги муҳим аҳамиятга эга бўлган селекцион ва шу билан биргаликда қорақўл терисининг қийматини белгиловчи товар белгиси ҳисобланади. Шу сабабли қорақўл кўзиларини насл учун танлашда бу белгига алоҳида аҳамият берилади.

Рангбаранглигининг ифодаланиши турлича бўлган олмос рангбарангликдаги кўиларни жуфтлашдан олинган кўзилар рангининг тери сатҳида бир текислигини ўрганиш натижалари 11-жадвалда мужассамлаштирилган.

11-жадвал

Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорлардан олинган кўзилар рангбаранглигининг текислиги, %

Жуфтлаш типи ♀ x ♂	n	Рангбаранглигининг бир текислиги, M±m		
		Аъло	Текис	Нотекис
Аъло x Аъло	48	43,7± 7,15	56,2±7,16	-
Яхши x Аъло	111	36,9±4,58	58,5±4,67	4,5±1,96
Етарли эмас x Аъло	17	29,4±11,0	52,9±12,1	17,6±9,23

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ранг текислиги “аъло x аъло” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда юқори кўрсаткичга эга бўлиб, бу гуруҳдаги кўзилар “яхши x аъло” ва “етарли эмас x аъло” типда жуфтлашдан олинган кўзиларга нисбатан мос равишда 6,8 ва 14,3 фоиз юқори бўлиши кузатилди. Ранги нотекис бўлган кўзилар “аъло x аъло” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда учрамади.

Олинган маълумотлардан, қорақўл кўзилари рангининг бир текислиги ирсийланган белги ҳисобланиб, у жун толаси рангининг ифодаланиши билан узвий боғлиқ, яъни рангбаранглиги қанчалик даражада юқори ифодаланса, рангнинг бир текислиги ҳам шунча юқори бўлади деган хулосага келиш имкониятини баради.

Синф-қорақўл кўзиларининг туғилган вақтидаги жун толаси қоплами асосий кўрсаткичлари ва умумий ривожланиш даражасининг мажмуавий ифодасидир. Бу кўрсаткичларнинг намоён бўлишига ирсий ва паратипик омиллар сабаб бўлади.

Қоракўл кўзиларининг сифати бонитировка вақтида аниқланади ва шу даврда улардан келгусида фойдаланиш йўналиши аниқланади.

Рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси бўйича жуфтлашдан олинган олмос рангбарангликдаги кўзиларнинг синфи тўғрисидаги маълумотлар 12-жадвалда мужассамлаштирилган.

12-жадвал

Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорлардан олинган кўзиларнинг синфи, %

Жуфтлаш типи ♀ x ♂	n	Синфи, M±m			
		Элита	I-синф	II-синф	Яроксиз (брак)
Аъло x Аъло	48	27,1±6,41	66,6±6,80	6,3±3,50	-
Яхши x Аъло	111	22,5±3,96	67,5±4,44	9,1±2,72	0,9±0,36
Етарли эмас x Аъло	17	-	58,8±11,9	29,4±10,0	11,7±7,79

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, элита синфли кўзилар салмоғи рангбаранглиги аъло ифодаланган кўйларни гомоген жуфтлашдан олинган кўзиларда 27,1 фоизни ташкил этиб, “яхши x аъло” типда жуфтлашдан олинган кўзиларга нисбатан 4,6 фоиз кўпроқ учраши, “етарли эмас x аъло” типда жуфтлашдан эса элита синфли кўзилар олинмаслиги кузатилди.

13-жадвал

Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорлардан олинган кўзиларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар	
			Тажриба гуруҳи	Хўжалик кўрсаткичлари
1	Сотилган насли кўчқорчалар, жами	бош	17	81
2	ш.ж: Элита	бош	6	19
3	I-синф	бош	11	52
4	1 бош насли кўчқор таннарҳи	сўм	315 000	315 000
5	Жами ҳаражат	сўм	5 355 000	25 515 000
6	Бир бош кўчқорни сотишнинг ўртача баҳоси	сўм	550000	500 000
7	Жами олинган даромад	сўм	9 350 000	40 500 000
8	Фойда (+) ёки зарар (-)	сўм	3 995 000	14 985 000
9	Рентабеллик	%	74,6	58,7

Олинган маълумотлар, рангбарангликнинг ифодаланиши билан кўзилар сифатининг мажмуавий баҳоси ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб, олмос рангбарангликдаги сур қоракўл кўйларида рангбарангликнинг аъло ифодаланиши бўйича селекция ишларини олиб бориш, олинадиган авлодларда элита ва I-синфли кўзилар салмоғини кўпайтириш имкониятини беради деган хулоса қилиш мумкин бўлади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби қорақўлчиликда ҳам иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини яхшилаш, миқдорини кўпайтириш, ишлаб чиқилган маҳсулот бирлигига сарф-ҳаражатларни камайтириш, селекция ишлари самарадорлигини ошириш йўналишларида олиб боришни талаб этади.

Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорлардан олинган кўзиларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликнинг насли кўчқорчаларни сотиш баҳосида ҳисобланди.

Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар ирсий белгиларини мустаҳкам авлодларига ўтказиб бериши, олинган кўзилар қорақўл сифатининг яхшиланиши пировардида оригинал рангбарангликдаги кўзилар салмоғининг ошиши, рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўйларни урчитишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатади. Рангбаранглиги бўйича аъло х аъло типда жуфтлашдан олинган бир бош кўчқорчаларнинг 50,0 минг сўмга юқори нарҳда сотилиши, рентабеллик даражасининг 15,9 фоизга ошишини таъминлади.

ХУЛОСАЛАР

Олмос рангбарангликдаги қорақўл кўчқорларининг насл ва маҳсулдорлик салоҳиятини тадқиқ қилиш ва олинган натижаларни таҳлиллаш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олмос рангбарангликдаги кўчқорларни кумуш, тилла ва олмос рангбарангликдаги совлиқлар билан жуфтланганда олмос рангбарангликдаги кўзилар салмоғи энг кўп “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 40,4 фоизни ташкил этиб, “кумуш х олмос” ва “тилла х олмос” типда жуфтлашдан олинган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,3 ва 6,5 фоиз кўп олмос рангбарангликдаги кўзилар олинди, рангбаранглик бўйича гомоген жуфтлаш олмос рангбарангликдаги кўзилар салмоғини оширишни таъминлаган.

2. Рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзилар салмоғи “олмос х олмос” типда жуфтлашдан олинган кўзиларда 27,7 фоизни ташкил этиб, улар “кумуш х олмос” ва “тилла х олмос” типда жуфтланган тенгқурларига нисбатан мос равишда 4,8 ва 7,2 фоизга устунлик қилиши олмос рангбарангликдаги кўчқорларнинг рангбаранглигининг ифодаланиши бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга эканлигидан далолат берган.

3. Жун толаси рангининг кучли контрастлиги ва рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзилар салмоғининг олмос рангбарангликдаги кўйларни гомоген жуфтлашдан олинган кўзиларда юқори бўлиши олмос рангбарангликдаги кўчқорларнинг бу белги бўйича препотентлигини кўрсатган.

4. Қорақўл кўзилари жун қолами сифат кўрсаткичлари билан рангбаранглигининг ифодаланиш даражаси ўртасида ижобий боғлиқ мавжуд бўлиб, рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда, жун толаси қоламининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги ҳам юқори даражада намоён бўлган.

5. Жун толасининг узунлиги 8 миллиметргача бўлган кўзилар салмоғининг рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда юқори бўлиши ва жун толаси бундай узунликда бўлган кўзиларнинг рангбаранглиги етарли ифодаланмаган кўзиларда учрамаслиги, рангбарангликнинг ифодаланиш жараёнлари кўзилар жун толаси узунлигини маълум даражада оптимллаштиради деган хулосага келиш имкониятини берган.

6. Рангбаранглиги аъло ифодаланган кўзиларда мустаҳкам конституцияли кўзилар салмоғининг юқори бўлиши рангбарангликнинг ифодаланиши билан уларнинг конституция типи ўртасида ижобий боғлиқлик борлигини кўрсатади. Кўйлар ёшининг каттариши билан тирик вазни ўзгарувчанлик коэффицентининг пасайиб бориши, рангбаранглигининг ифодаланиши турлича бўлган сур кўйлар тирик вазнининг маълум даражада элиминацияланишини кўрсатган.

7. Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорлар ва совлиқларни ўзаро жуфтлашдан 68,7 фоиз олмос рангбарангликдаги кўзилар олиниб, яхши х аъло ва етарли эмас х аъло типда жуфтлашдан олинган тенгкурларига нисбатан олмос рангбарангликдаги кўзилар салмоғининг 8,4 ва 21,6 фоиз кўп олиниши кузатилган.

8. Рангбаранглиги аъло ифодаланган олмос рангбарангликдаги кўчқорларни рангбаранглиги турли даражада ифодаланган совлиқлар билан жуфтлашдан рангбаранглиги аъло ифодаланган кўйларни гомоген жуфтлашдан элита синфли кўзилар 27,1 фоизни ташкил этиб, “яхши х аъло” типда жуфтлашдан олинган кўзиларга нисбатан 4,6 фоиз кўпроқ учраши, “етарли эмас х аъло” типда жуфтлашдан эса элита синфли кўзилар олиниши кузатилмаган.

9. Олмос рангбарангликдаги кўчқорлар ирсий белгиларини мустаҳкам авлодларига ўтказиб бериши, олинган кўзилар қоракўл сифатининг яхшиланиши пировардида оригинал рангбарангликдаги кўзилар салмоғининг ошиши олмос рангбарангликдаги бир бош кўчқорчаларнинг 50,0 минг сўмга юқори нарҳда сотилиши, рентабеллик даражасининг 36,0 фоизга ошишини таъминлаган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

ДЖАМБИЛОВ БЕКЗОД ХАМИТОВИЧ

**МЕТОДЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЛЕМЕННОГО И
ПРОДУКТИВНОГО ПОТЕНЦИАЛА КАРАКУЛЬСКИХ БАРАНОВ
СУР АЛМАЗНОЙ РАСЦВЕТКИ**

**06.02.01-разведение, селекция, генетика и воспроизводство сельскохозяйственных
животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2020.1.PhD/Qx431.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.
Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).


Научный руководитель:	Исмаилов Мирзакул Шеркулович доктор сельскохозяйственных наук
Официальные оппоненты:	Умаров Шавкат Рамазанович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Газиев Адхам кандидат сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт животноводства и птицеводства

Защита диссертации состоится «11» 06 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии (PhD) при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес:140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, конференц-зал, 2 этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №168). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1 этаж, тел.: (0366) 233-32-79; факс: (0366) 233-34-81).

Автореферат диссертации разослан «5» 06 2020 года.

(Реестр протокола рассылки № 2 от «5» 06 2020 года)


Н.А.Бобокулов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени, д.с.х.н., профессор


А.Х.Хатамов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени, д.философии по
с.х.н.


С.Ю. Юсупов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёной степени, д.с.х.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в более чем 50 странах мира разводят каракульских овец, общая численность которых составляет более 30 млн. Благодаря очень высокой жизнеспособности и адаптивности овец каракульской породы, обеспечивается рациональное использование экстремальных условий пастбищ этих странах и даёт возможность улучшения социального и материального положения населения, проживающего в этих регионах.

В мировом масштабе растет спрос на оригинальные цветные шкурки. По этой причине проводятся научные исследования по удовлетворению спроса населения на каракульские шкурки и изделия из каракуля направленные на максимальное повышение удельного веса получению ягнят оригинальных расцветок и по рациональному использованию племенных баранов. Развитие данного направления в отрасли тесно взаимосвязано с применением передовых методов и приемов разведения овец окраски сур на основе полного и всестороннего использования их биологических возможностей.

В настоящее время в республике проводятся широкомасштабные мероприятия по разведению каракульских овец и увеличению производства каракулевой продукции. В результате использования наследственных свойств баранов окраски сур увеличивается объемы производства продукции каракулеводства и улучшения их качества, чем в конечном итоге достигается рентабельность в отрасли. До этого периода отмечались недостаточное внедрение инновационных технологий в производство продукции каракулеводства, к комплексному использованию биологического потенциала в повышении продуктивности каракульских овец, а также не достаточных условий для содержания овец. В результате чего снижается количество и качество продукции каракулеводства и сокращается общее количество овец в каракулеводческих хозяйствах. Стратегией дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах предусматривается «...последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширения производства экологически чистой продукции, создания высокопродуктивных пород животных», а также определены задачи по внедрению в производство интенсивных методов. В развитии отрасли очень важную научную и практическую роль играют научные исследования, направленные на совершенствованию племенного и продуктивного потенциала каракульских баранов, а также использование эффективных селекционных методов при производстве продукции каракулеводства в частности, при производства каракульских шкурок с оригинальной расцветкой.

Исследование по теме диссертации в определенной степени будет служить реализации задач вытекающих из Закона Республики Узбекистан «О племенном деле» и Постановлений Президента Республики Узбекистан от 21

